



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 10 февраль, № 28 (4943)

Чоршанба

Шундай асарлар борки, улар замон ва сарҳад билмайди. Асл маънавий дурдоналарда илгари сурилган ғоялар йиллар, асрлар ўтса-да, ахамиятини йўқотмайди, аксинча, унда таранг этилган мавзулар мангуликка дахлдордир. Халқимизнинг фахри ифтихори бўлмиш буюк мутафаккир ва шоир Ҳазрат Алишер Навоий яратган асарлар ҳам ана шундай бебаҳодир.

## ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ ИФОДАСИ

Истиқлол йилларида Президентимизнинг бевоқиф ташаббуси билан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида ёш авлодни мутафаккир шоир ижодидан баҳраманд этишга ҳизмат қилувчи махсус дарс соатлари, машғулотлар ўтилиши йўлга қўйилди. Мамлакатимиздаги кўплаб қишлоқ ва маҳаллалар, маданий-маърифий масканлар, кўча ва хибонларга Алишер Навоий номи берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, мустақиллик туғайли ҳар йили мамлакатимизда 9 февраль кунини шоир таваллуд топан сана сифатида нишонлаш аъёнага айланган. Шунга мувофиқ жорий йилда ҳам Алишер Навоий таваллуднинг 569 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида Навоийхонлик кечалари, мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий богда ҳам шоир ҳайкалининг пойига

инсонлар улуғланади, улардан ўрнак, ибрат олишга даъват этилади. Шоир пандалари эскирмайди, ўғитлари барча даврларга хос. Бугун Алишер Навоийнинг барҳаёт меросидан бутун дунё баҳраманд бўлаётган. Унинг асарлари бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Хатто жаҳондаги қатор нуфузли кутубхоналарда шоирнинг қўлёзма асарлари сақланмоқда. Қатор хорижий мамлакатларда бобомиз ҳайкаллари қад ростлаган.

### Фахр

— Алишер Навоий асарлари туркман халқи учун ҳам азиз ва қадридир, — деди Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Факулда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов. — Зеро, ул зотнинг битикларида миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувлик каби умумбашарий фазилатлар юксак таранг этилганини кўрамиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муштаҳам дўстлик риштини ҳам Навоий бобомиз орзу қилган эзгу ниятлар ифодаси, дейишимиз мумкин.

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ УЙ ТЎЙЛАРИГА УЛАНИБ КЕТАДИ

Бу йил Фарғона вилоятида юзта замонавий уй қуриш мўлжалланган.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, замонавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётир. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

### Озод юртининг обод уйлари

Бугун Фарғонанинг қайси шаҳри, тумани ёки қишлоғига борманг, енг шимариб меҳнат қилаётган бунёдкорларга, кун сайин қад ростлаб бораётган замонавий, шинам, барча қулайликларга эга уй-жойларга кўзингиз тушади. Намунавий лойиҳалар асосида қурилиб, имтиёзли кредитлар ҳисобига ҳамюртларимизга тақдим этилаётган тураржойларнинг ички ва ташқи қиёфаси замонавий ҳамда миллий меъморчилик аъёналарини ўзида мужассам этган. Бу, шубҳасиз, халқимизнинг турмуш даражаси янада юксалиб, қишлоқларимиз қиёфаси гўзаллашиб бораётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



Муҳимжон ҚОДИРОВ (ў.а.) олган сурат.

## ЯПОНИЯДА НАВОИЙ ДАҲОСИГА ТАЪЗИМ

Буюк ўзбек шоири, ўзбек классик адабиёти асосчиси Алишер Навоийнинг таваллуд кунини Ўзбекистонда бўлгани каби, мамлакатимиз сарҳадларидан олисларда ҳам кенг нишонланмоқда.

Хусусан, ушбу тантанали сана муносабати билан Кунчиқар юртининг Сока университети бош майдонида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали олдида шоир ижодининг ҳақиқий ихлосмандларидан иборат кенг жамоатчилик тўпланди. Бу ерда ушбу билим маскани раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда Японияда таҳсил олаётган ўзбек йигит-қизлари, "Япония — Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ишланишида ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Сока университети ректори Хидео Ямамото ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг бевоқиф ташаббуси билан ташаббус қилишга қўл қўйганини таъкидлади.

Х. Ямамото Президент Ислам Каримов Сока университети фахрий доктори саналиб, 2004 йилда университетта ноёб совға — Алишер Навоийнинг ҳайкали тўхта этилганини айтди. Президент Ислам Каримовнинг табрик сўзида, хусусан, "Ўзбекистон

хукумати томонидан Сока университетига ҳаёти сифатида тақдим этилган Алишер Навоийнинг ҳайкали тарихий жиҳатдан бири-бири билан Буюк Ипак йўли орқали боғланган халқларимиз ўртасидаги маданий мулоқотлар рамзи ҳисобланади", дейилган.

Х. Ямамото, шунингдек,

### Биз ва жаҳон

Сока университети асосчиси, Ўзбекистоннинг Навоий шаҳри фахрий фуқароси Дайсаку Икеда Марказий Осиёнинг Гётееси деб атаган буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг шеърлари ва доно сўзларида ўз маърузаларида тез-тез кўчирмалар келтиришни қайд этди.

"Япония — Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси аъзоси Такеши Оцука ўзининг душман мамлакат фуқароси сифатида тўтқунликда Ўзбекистонда ушлаб турилган ва Алишер Навоий номидидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри қурилишида иштирок этган 1945 йилдан 1947 йилгача бўлган даврини эсларкан, у айнан ўша пайтларда, узок қўзилган очарчилик йиллари бўлишига қара-

май, японларга озик-овқат ва кийим-кечак берган, уларга туғилганларидек муносабатда бўлган ўзбек халқининг яхшилигини, хушмуомала ва меҳмондўстлигини хис этганини таъкидлади.

У шунингдек, ўзбек заминда мангу ором олаётган японлар хотирасига бағишланган ёдгорлик тахтасининг ташкил этилгани, бу — япон халқига бўлган муносабат ва меҳрга йўғрилган эътиборнинг тасдиғи саналишини қайд этди.

Т. Оцука Япониянинг йирик илм даргоҳларидан бири — Сока университетининг бош майдонида буюк ўзбек мутафаккирининг ҳайкали ўрнатилиши Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстликнинг ёрқин рамзи эканини таъкидлади.

Маросимда Сока университети талабалари Алишер Навоийнинг ғазалларидан намуналар ва дostonларидан парчалар ўқишди.

«Жаҳон» АА. Токио

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Устувор вазибалар ижросига бағишланди

Жойларда 2009 йил якунлари ва 2010 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йўналишлари бўлиб ўтмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ фаоллари йўналишида давосий эътибор Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 29 январь куни 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазибалар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазибалар ижросига қаратилди.

«Жаҳон» АА. Токио

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАМАНГАН. "Helix silk" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ипак маҳсулотларига чет элларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

### Маҳсулот экспортга чиқарилмоқда

Буни ўтган йили корхонанинг экспорт ҳажми 37 фоизга ўсганидан, яъни 675 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот хорижга чиқарилганидан ҳам аққол кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, 2009 йилда корхонанинг 86 кишилик жамоаси томонидан 150 тонна хом ашё қайта ишланиб, 39,5 тонна юқори сифатли ипак тайёрланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Ойига 10 миллион сўмлик кийим-кечак

СИРДАРЁ. Гулистонлик тадбиркор М. Муродова банкдан олган кредитни ҳисобига тикувчилик цехини ишга туширди.

Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган "Мухиддин" кичик корхонасида ойига 10 миллион сўмлик яқин кийим-кечак ҳамда пардалар ишлаб чиқарилмоқда.

Мухими, корхона иш бошлаши билан 12 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Хонадонларга зилол сув

ХОРАЗМ вилоятида тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 30 та аҳоли пунктида 26 километр узунликдаги қузулар таъмирдан чиқарилди.

Натижада 30 минг нафарга яқин аҳолига мўлжалланган сув таъминотидаги узиллишларга барҳам берилди. Шунингдек, янгитдан 44 километр узунликда сув қузулари тортилиб, 40 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 26 та қишлоққа зилол сув кириб борди.

Айтиш лозимки, ўтган йили вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида учун 7 миллиард 495 миллион сўмлик маблаг сарфланди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Алло АБДУЛЛАЕВ (ў.а.) олган сурат.

гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда давлат арбоблари, олимлар, халқро ташиқлотлар вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар ва бошқа кўплаб шеърят ихлосмандлари иштирок этди.

— Буюк бобомизнинг шоҳбайлари, неча асрларки, наинки халқимиз, балки жаҳондаги кўплаб шеърят, адабиёт ихлосмандларининг эътибори эъзозиди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Зеро, Навоий бобомизнинг ҳар мисра, ҳар байтида миллатлараро дўстлик, инсонийлик, эзгулик, бағрикенглик, саховатпешалик, улугворлик каби фазилатлар ҳақида сўз очилади, бундай

Шунингдек, маросимда сўзга чиққан навоийшунос олим, академик Азиз Каюмов, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Навоийнинг мусика, тил ва адабиёт ривожидидаги ўрни хусусида тўхтадилар. Шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Шу кунги пойтахтимиздаги шоирлар хибонидида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

Мақсад ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Оқилонга йўл излаш лозим

ёки Сув ресурслари зиддиятларга сабаб бўлмасин

Авалги йилларда ҳам Марказий Осиё республикаларида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг сув билан таъминланиши жиддий масалалардан эди. Шу боисдан бу ҳудудда ўзаро ҳамкорликда Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сув ресурсларини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш чизмаси ишлаб чиқилганди. Кейинчалик Марказий Осиё

республикалари ўртасида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида трансгегаравий сув ресурсларини тақсимлаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича мавжуд бошқарув тизимини бузмаслик юзасидан шартномага эришилди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, сув ресурсларидан фой-

даланишдаги ножиоз хатти-ҳаракатлар минтақадаги экологик уйғунликни бузиши, йирик табиий эврилишларни ва қалтис геосийсий номутаносибликларни туғдириши мумкинлигини тушуниб етиш натижасида шундай қарорга келинган эди.

Бироқ бугунга келиб, баъзи

давлатлар ўз қарашларини ўзгартириб, масалани бир қадар бошқача ҳал этишга уринмоқдалар. Яқинда Тожикистон хукумати трансгегаравий дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган республикаларнинг фикрини инобатга олмасдан, Роғун ГЭСини қуриб битказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жорий йилнинг бошидаёқ республикада Роғун ГЭСи очик акциядорлик жамияти акцияларини сотиш бўйича ташвиқот ва тарғибот ишлари бошлаб юборилди.

(Давоми 2-бетда).



24 соат ичида

Гаитида рўй берган zilзилдан сўнг мана, бир неча ҳафта ўтгач, вайроналар остидан яна бир тирик инсон топилди.

27 кундан кейин...

"Рейтер" ахборот агентлигининг маълумотига кўра, 28 яшар йигит 27 кун мобайнида кулаб тушган бинолар остидан яна бир тирик инсон топилди.

Сериалдан ўзган ўйин

АҚШда мамлакат миллий футбол (Super Bowl) бўйича ўтказилган ҳал қилувчи ўрашувни телевидение орқали кўрганлар сони 1983 йилдан бери сақланиб келаётган рекорд натижани янгилади.



Яъни "Нью-Орлеан Сейнтс" ва "Индианаполис Колтс" жамоалари ўртасидаги ўрашувни 106,5 миллион мухлис тўғридан-тўғри томоша қилди, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига. Мазкур ўйин АҚШдаги икки телеканал — "Nielsen" ва "CBS" орқали эфирга узатилган.

Мамлакат тарихида илк бор

Яқшанба кuni Коста-Рикада президентлик сайлови бўлиб ўтди. "Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, мамлакат тарихида илк бор аёл киши президент этиб сайланган. Лаура Чинчилья исмли ушбу шахс "Миллий озодлик" партияси етакчиси эди. У муҳим сиёсий жараёнда сайловчиларнинг 49 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлган. Муҳолифатдаги партия етакчиси Оттон Солисон сайловчиларнинг 25 фоизи қўллаб-қувватлаган.

Харорат пасайиши оқибати

Мўғулистонда қаттиқ совуқ кузатишмоқда. Ахборот агентликлари тарқатган хабарларга кўра, мамлакатнинг бир неча ҳудудларида термометр кўрсаткичи -50 даражагача тушиб кетган. Хароратнинг пасайиши оқибатида одамлар жиддий қийинчиликка учраган. Икки миллионга яқин от, қорамол ва эчки нобуд бўлган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ноқулай об-ҳаво шароити Мўғулистонга 60 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирган.

Хориж матбуоти хабарлари восидида тайёрланди.

Сайёрамизда табиий бойликларнинг тобора камайиб бораётгани ўз-ўзидан дунё миқёсида муқобил энергия манбаларига бўлган эҳтиётнинг ортишига олиб келмоқда. Шу боис ҳам ҳозирда аксарият давлатлар илмий тадқиқот ишларининг ушбу йўналишини жадал ривожлантириш ва бу орқали келажак учун муносиб пойдевор яратишга интилишяпти. Қўзланган мақсадга эришиш, энг самарали муқобил манбаларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта миқдорда маблағлар йўналтирилмоқда.

КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

Жаҳонда муқобил энергия манбаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Маълумки, 1970 йилларда жаҳонда кузатишган нефть тақчиллиги мўлдатда эрдарида ҳосил қилинадиган энергиядан фойдаланишга ўтишни жонлантириб юборди. У ҳозир ҳам муқобил энергия манбалари орасида энг истиқболли, дея баҳоланмоқда. Буни дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган умумий энергия ҳажмида мазкур энергия тури улушининг йил сайин ортиб бораётганидан ҳам англаш мумкин. Мисол учун, бугунги кунда шомол энергияси тахминан 74 минг МВтдан зиёда ташкил этаётган бўлса, 2012 йилга бориб уни 160 минг МВтга етказиш кўтилмоқда. 2020 йилда эса сайёрамиздаги энергияга бўлган талабнинг 12 фоизини айнан шомол қурilmалари ишлаб чиқарадиган энергия ҳисобига қоплашга эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Муқобил энергия манбаларининг оммалаштиришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий сабаблардан бири — бу уларнинг таннархи юқорилигидир. Шу боис ҳам олимлар унинг энг мақбулини танлашда ҳам арзон, ҳам ишлаб чиқаришда самарали бўлиши лозимлигига эътибор қаратишмоқда. Мана шу жиҳатдан олиб кўрганда, шомолдан энер-

гия ҳосил қиладиган паррақлар баҳосининг сўнгги 15 йилда эллиқ фоизга пасайгани унинг ривожланишига ўзига хос туртки бўлди. Қолаверса, бундай технологиянинг қурилиши учун сарфланган харажат тахминан 5-7 йилда ўзини қоплаши мумкин экан.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида шомол энергиясидан фойдаланишда Германия етакчи ўрин тутмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда сайёрамизда ишлаб чиқарилаётган шундай энергиянинг қарийб 36,3 фоизи олинаяпти. Бу Германия умумий энергия истеъмолининг тахминан 5,6 фоизини ташкил этади. Қолаверса, Испания, АҚШ, Дания, Хиндистон, Голландия, Италия, Япония, Буюк Британия ва Хитой ҳам бу борада маълум натижаларга эришмоқда.

Айнан Хитой тажрибасига оид мисоллар билан фикримизни давом эттирсак. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ушбу мамлакат муқобил энергия манбаларини оммалаштиришга жуда катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, бу ерда экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган ва қайта тикланадиган энергияни ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи алоҳида қўн қабул қилинган. Унга кўра, мазкур



йўналишда фаолият олиб борадиган компаниялар солиқ бўйича бир қатор имтиёзларга эга. Шунингдек, Хитой ҳукумати алоҳида миллий жамғарма ҳам ташкил этапти. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича 2006 йилда қабул қилинган режага асосан, жорий йилда Хитой ўзи ишлаб чиқарадиган умумий энергия ҳажмида муқобил энергия манбалари улушини 2,5 фоиздан 10 фоизгача етказишни белгилаб олган.

Умуман, Хитой бу борада ўз олдига улкан мақсадларни қўйганини куйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди: 2008 йилда мамлакат энергия олиш-

нинг тежамкор технологияларини жорий этиш, муқобил энергия манбаларини оммалаштириш ишлари 48 миллиард юан қарийб 7 миллиард АҚШ доллари ажратган. 2010 йилда эса бу кўрсаткич 200 миллиард юан (28 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этиши кўзда тутилган.

ҳатдан мақбул бўлган технологияларнинг оммалаштириши эса иқтисодиётни юксалтириш барида табиат мусофоллигини сақлаш имконини ҳам беради. Шу жиҳатларни назарда тутиб, Хитой кўмирни қайта ишлаш орқали ундан экологияга зарар етмайдиган усулда фойдаланиш

Шарҳ

Айтиб ўтиш керакики, хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам Хитой энергетика бозорига сармоя киритишга бўлган қизиқиши юқори. Мисол учун, АҚШнинг "General Electric" компанияси ушбу мамлакатда экологик тоза энергия ҳосил қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун 15 миллиард АҚШ доллари миқдоридан маблағ йўналтирмоқчи. Ёки дунёга машҳур "Caterpillar" компанияси ҳам Хитойда ўзининг энергетика бўйича лойиҳасини рўйбга чиқариш орқали 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан фойда олишни режалаштирган. Шомол паррақлари ишлаб чиқарувчи Даниянинг йирик "Vestas Wind Systems A/S" компанияси ҳам Хитойда ўзининг энергетика бўйича лойиҳасини рўйбга чиқариш орқали 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан фойда олишни режалаштирган. Шомол паррақлари ишлаб чиқарувчи Даниянинг йирик "Vestas Wind Systems A/S" компанияси ҳам Хитойда ўзининг энергетика бўйича лойиҳасини рўйбга чиқариш орқали 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан фойда олишни режалаштирган.

Табиийки, Хитой давлати бу борада чет эл компанияларига кўз тикиб туришдан йироқ. Яъни мамлакат ишлаб чиқарувчилари ҳам атроф-муҳит мусофоллигига пуртартиқ эътибор қаратади. 2007 йилда Хитой фабрикаларида умумий қуввати 1088 МВтга тенг бўлган ана шундай батареялар тайёрлана бошлади ва мамлакат бу борада Европа давлатлари, шунингдек, Япониядан илгариллаб кетди. Эътиборлики, Хитой ўзи ишлаб чиқарган батареяларнинг қарийб 100 МВтдан фойдаланаяпти, холос, қолганини эса экспортга чиқараяпти. Бу ҳам иқтисодиётга наф. Келгусида ХХР кўши батареялари тайёрлаш ҳажмини 0,5 ГВтга етказиш ниятида. Шомол энергияси олишда ҳам шундай юқори мақсад белгилаган: агар 2006 йилда шомол ёрдамида 2,6 ГВт электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 8 ГВтга етказиш кўзда тутилган.

Шавкат ОРТИҚОВ.

ШОИР ИЖОДИ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Республика болалар кутубхонасида улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудини 569 йиллиги муносабати билан адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Унда таниқли ижодкорлар, шеърят ихлосмандлари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Хазрат Навоий шахсияти ва ижодини ўрганиш, ахли, айниқса, ёшлар ўрта-сунд шоир асарлари мазмун-моҳиятини янада кенг тарғиб этиш барқамол авлод таълим-тарбияси борасидаги эзгу мақсадларимиз рўйида таълим-тарбия муассасаларидан бошланиши зарур. Шун-

дагина инсон маънан барқамол, ақл-идрокли бўлиб вояга етиши, шубҳасиз. Тадбирда сўзга чиққанлар шу ҳақда эътироф этиб, Алишер Навоий ижодидаги ўзига хос жиҳатлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Кечада шоирнинг шеър ва ғазалларидан намуналар ўқилди. Айниқса, Мирзо Улугбек туманидаги 64 ва 18-сонли умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган адабий-бадиий дастур тадбирига ўзгача фойз киритди.

Ф. БЎТАЕВ.

Наманган шаҳрида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 9 нафар немис тили ўқитувчиси ўзларининг маҳорат ва истеъодларини намойиш этдилар.

Энг яхши мураббий

Танлов якунига кўра, Янгикўрган туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси И. Исоқов биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Уйчи туманидаги 34-ва Наманган шаҳридаги 10-умумтаълим мактаблари муаллимлари

М. Адашева ва Р. Юсупова эса кейинги ўринлар насиб этди. Эндиликда мутлақ ғолиб И. Исоқов танловнинг вилоят шарафини химоя қилади.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ЁАЖ кузатув кенгашининг 2009 йил 11 декабрдаги йилги йилги қарори ва бошқарувнинг 2010 йил 2 февралдаги қарорига асосан, РКМБнинг «Термиз тадбиркорлар маркази» МЧЖ устав фондидаги 1,264 фоиз улуши кўйилмоқда. Улушнинг бошланғич баҳоси — 13 203 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 15 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур улуш 2010 йил 15 март кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йил 22 ва 29 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозраев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Advertisement for Sonata cars. Includes text: 'Иш берувчилар диққатига! Ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни унутманг!' and logos for various insurance companies like O'ZBEKINVEST, KAFOLAT, Alliance Insurance, ALSKOM, ASIA insurance, ISHONCH, KAPITAL SUG'URTA, Standard Insurance, O'ZBEKINVEST HAYOT, UNIVERSAL SUG'URTA.

Advertisement for Sonata cars. Includes text: 'SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way'. Features an image of a Sonata car and text: 'Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.' and 'Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.'

Advertisement for Rosagropromsnab MCH. Includes text: '«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ'. Lists products like 'УЛЬТРАТОВАШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ', '5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ', 'ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ', 'ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари'. Includes contact info: 'Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.'

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини изчил таъминлаб бориш ва муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада Меҳрибонлик уйларида барча зарур шарт-шароитлар яратилганки, буни амалга ошириладиган хайрли чора-тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

гоҳларини кўриб, юрагинг жимирлаб кетади, киши. Қизларни суҳбатга тортамиз. — Мен катта бўлсам, қизлар рақс мактабини очаман, — дейди ун тўрт ёшли Зулайхо Қодирова. — Тарбиячиларимга ўхша-

шёр ёзар экан. Шёрларининг аксарияти она ҳақида. Унинг ортидан ҳеч ким келмаса-да, туш-кун кайфиятини бировга билдирмайди. Мактаб тадбирларида фаол иштирок этади, тўғрақларга қатнашади. Бундай иқтидорли болалар, тарбиячиси қайд этганидек, ҳамisha эътиборда бўлиши, рағбатлантирилиши керак. — Болаларга ҳар қанча меҳр кўрсатмайлик, барибир ота-онасининг ўрнини босиш осонмас, — дейди М. Файзиёва. — Уларни кўришга онаси ёки қариндош-уруғлари келса борми, шу кунби болалардан бахтиёр одамни тополмайсиз.

2010 йил — Баркамол авлод йили



ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПАР БУ ЕРДА

Мамлакатимизнинг эртанги кунини, фарвон ҳаётини фарзандлар таълим-тарбияси, жисмоний ва маънавий камолоти белгилайди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам ана шу улғурроқ мақсадлар кўзда тутилган.

Бугунги кунда Оролбўйида ўсиб келаётган авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган вағая етиши, спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратилади. Чекка худудларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, уларда барча шарт-шароит яратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидога 2-кўп тармоқли болалар ва ўсимлар спорт мактаби минтақадаги нуфузли таълим-тарбия масканларидан биридир. Ушбу мактабнинг замонавий талаблар асосида жиҳозланган учта спорт залида 892 нафар ўғил-қиз спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланади. Ёшларга 25 нафар тахрибали мураббий сабоқ беради.

— Мактабимизда спортнинг бадий гимнастика тури бўйича юз нафарга яқин киз шуғулланмоқда, — дейди биринчи тоифали мураббий, спорт устаси Нигора Полвонова. — Саккиз гуруҳда тарбияланаётган қизлар орасида республика ва халқроқ миқёсдаги мусобақалар иштирокчилари ҳамда совриндорлари бор.

Мактаб жамоаси жорий йилда ҳам Ўзбекистон чемпионоларини тарбиялаш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

А. ОРТИҚБОВ, ЎзА мухбири. А. КАНАЗАРОВ олган сурат.

ҒАМЖҮРЛИК ВА ЭЗГУЛИК СЕҲРИ

Пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи ҳақида кўп эшитгансиз. Замонавий бинода жойлашган маъруз Меҳрибонлик даргоҳи, бир қарашдаёқ, ўзгача феизи, ободлиги билан эътиборни тортади. Бизни ичкарига тақлиф қилган аёл янги келган тарбияланувчининг ҳужжатларини текшираётганини айтиш мумкин. Қизни кузатамиз. У бир бувисига, бир атрофдагиларга жавдирайди. Қизлоқнинг исми Дмитрий экан. Унинг таржимаи ҳолида отасининг вафот этганлиги, онаси оналик ҳуқуқидан маҳрум этилгани ва бувиси қарамоғида қолганлиги қайд этилган. Демак, барчаси аён. Бувий ёши бир жойга бориб қолган, набирасига ҳамхўрлик қилишни уқдалай олмай, уни Меҳрибонлик уйига топширишга аҳд қилган...

ларнинг кўчада қолмаслиги, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун бекиёс меҳр-муруват кўрсатилаётганини таъминлайди. Демак, унинг тарбиясига жиддий эътибор қаратиш зарур. Шу боис Таяни энг тахрибали тарбиячига топширилади. Уни бир нечта тўғрақларга жалб этишади. Қувонарлиси, қизнинг яхши томонга ўзгаришига астойдил ҳаракат қилган тарбиячининг меҳнатлари, охири-охири, самара берди. Таяни ҳозирда Меҳрибонлик уйи қоида тақдир этилган "Моҳир қўллар" тўғрагининг энг фаол аъзоси...

Ижтимоий ҳимоя

Дарҳақиқат, болаларнинг меҳрига сазовор бўлиш учун тарбиячи руҳшун ҳимоя бўлиши керак. Айниқса, балогатга етган қизларнинг кўнглига кўл солиш, уларни дилдан тинглаш орқали тўғри йўлга йўналтиришга эришиш мумкин. ...Хонага бир гуруҳ қизлар кириб келишди. Улар гала-гал Мухаррам опаннинг кучоғига отилишади. Бу қизчаларнинг ни-

ган меҳрибон инсон бўлиши хоҳлагани ҳақида ҳеч қандай маълумоти бўлмаган болалар давлатимиздаги коллежлардан бирида таҳсил олмақда экан.

— Мен ҳам рақс қизикаман, — дейди унинг дугониси Оля. — Келажақда олий ўқув юртига кириб ўқиш ниятим бор. Бунинг учун кўп китоб ўқишим, билим олишим керак. Тарбиячи олам "Меҳнат қилган, интиланган одам ҳеч қачон ҳор бўлмайди", деб кўп айтишди. Шунинг учун ҳам меҳнат қиламан, ўқиш-ўрганишдан чарчамайман.

Элёр — камсукум, аммо қобилиятли бола. Бўш вақтларида

Бу, бир қарашда, оддий воқеадек туюлиши мумкин. Аммо ёш бир қизча ва унинг келажаги учун айна воқелик мўҳим аҳамиятга эга. Чунки халқимизда "Бир фарзандни тарбияласанг, жамиятни тарбиялаган бўласан", деган ибратомуз гап бор. Шу боис Дмитрийга ўхшаган оиласи тарқоқ қиз-

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий аъзоларнинг ҳисобварақлари бўйича 2010 йил 5 февралда Фарғона шаҳрида ўтказилган II ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: T/p, Ютуқ микдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФО). Contains list of lottery winners and their details.

Table with 5 columns: T/p, Ютуқ микдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФО). Contains list of lottery winners and their details.

Table with 5 columns: T/p, Ютуқ микдори, Туман (шаҳар) филиали, Ҳисобварақ рақами, Банк коди (МФО). Contains list of lottery winners and their details.

\* Изоҳ: шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий аъзоларнинг ҳисобварақлари бўйича 656 та 10 000 сўмлик ютуқлар ўйналиб, ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий аъзо бўлган миқозлар ҳисобварақ очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳайъат раиси — Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ҳокимининг ўринбосари О. Т. Джуманов

Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари М. Ж. Саидов

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes contact information for the editorial office, subscription rates, and a list of authors. Features a logo and decorative elements.